QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 16 » sentabr № 587 Toshkent sh.

Ногиронликни белгилаш тизими рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 16 июлдаги ПҚ–257-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 16 июлдаги ПҚ–257-сон қарорига мувофиқ:

2025 йил 1 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида, 2025 йил 1 октябрга қадар республиканинг қолган ҳудудларида босқичма-босқич шахсларга ногиронликни белгилашда шахснинг клиник-функционал бузилишларининг тавсифидан келиб чиқиб, ногиронликнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлигига оид маълумотлар, шунингдек, ҳар бир касалликнинг кечиши ва тури бўйича фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда – ТИЭК) кўригига йўллаш учун лозим бўлган муддатлар “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида реал вақт режимида автоматик равишда шакллантирилиши;

2026 йил 1 январдан бошлаб ногиронликни шахс соғлиғининг ҳолати ҳамда кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштирокини (функционаллигини) баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгилаш тартиби йўлга қўйилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

ТИЭКнинг тузилмасини мақбуллаштириш асосида унинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;

фуқароларни ТИЭКга йўллашдан олдин даволаниш лозим бўлган муддатлар, ногиронликка олиб келувчи асосий касалликлар рўйхати ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонларини рақамлаштириш.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 январга қадар** ногиронликни шахс соғлиғининг ҳолати ҳамда кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштирокини (функционаллигини) баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгилаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 16 ” сентябрдаги 587-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларида:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилиш даражаси Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК) томонидан белгиланади.

Касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилиш даражасини белгилаш билан бир вақтда, ТИЭК асослари мавжуд бўлганда, ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланади ҳамда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги аниқланади”;

20-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

21-банднинг биринчи хатбошисидаги “ТИЭК” сўзи “тиббиёт муассасанинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги 128-сон қарори билан тасдиқланган Озодликдан маҳрум этиш туридаги жазони ижро этиш муассасалари тўғрисидаги низомнинг 26-банди ўн учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий-ижтимоий экспертиза республика инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаб бериш тартиби”;

б) 1-иловада:

1-банд “уй-жой билан таъминлаш” сўзларидан кейин “, шунингдек, улар томонидан шартнома асосида ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаш” сўзлари билан тўлдирилсин;

3^1-бандда:

биринчи хатбоши “дастлабки жой” сўзларидан кейин “ёхуд туғилган жой” сўзлари билан тўлдирилсин;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олишда олишда улар жойлаштиришнинг муқобил шакли бўйича жойлаштирилган ёки ўқув-тарбия муассасасига йўналтирилган дастлабки жой ёхуд туғилган жой бўйича мазкур Низомда белгиланган мезонларга жавоб берувчи уй-жой мавжуд бўлмаган тақдирда, истисно тарикасида уларнинг розилиги асосида жойлаштиришнинг муқобил шакли бўйича жойлаштирилган ёки ўқув-тарбия муассасасига йўналтирилган дастлабки жой ёхуд туғилган жой бўйича бошқа туман (шаҳар)дан уй-жой сотиб олишга рухсат берилади”;

қуйидаги мазмундаги 3^2 ва 3^3-бандлар билан тўлдирилсин:

“3^2. Ушбу Низомнинг 3^1-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ уй-жой сотиб олиш учун Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш туман (шаҳар) комиссиялари (кейинги ўринларда – туман (шаҳар) комиссиялари)нинг хулосаси асос ҳисобланади.

Бунда бошқа туман (шаҳар)дан сотиб-олинадиган уй-жойнинг бир квадрат метрининг нархи етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани жойлаштиришнинг муқобил шакли бўйича жойлаштирилган ёки ўқув-тарбия муассасасига йўналтирилган дастлабки жой ёхуд улар туғилган жойдаги уй-жой учун белгиланган бир квадрат метрининг энг юқори нархидан ошиб кетмаслиги лозим.

3^3. 2026 йил 1 январдан бошлаб турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар банд бўлган ёки таълим олаётган ҳудудда ижара шартномасига мувофиқ ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаш тартиби жорий этилади. Бунда:

мулк ҳуқуқи асосида уй-жой олиш ёки ижара тўловларини тўлаб бериш етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг танловига мувофиқ амалга оширилади;

ижара тўловлари Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10 йилгача муддатга, бироқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар 30 ёшга киргунга қадар тўланади;

Тошкент шаҳрида ижара тўловларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган қисми, вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваригача ҳамда қолган ҳудудларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 бараваригача бўлган қисми тўлаб берилади.

Мазкур бандга мувофиқ ижара тўловлари тўлаб берилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк ҳуқуқи асосида уй-жой ажратилмайди.”;

4-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“уй-жойлар туман (шаҳар) комиссияларининг хулосасига асосан ажратилади”;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

19-банд “уй-жой билан таъминланганлигини” сўзларидан кейин “ёки ушбу Низомнинг 6^1-бобига мувофиқ ижара тўловларини тўлаш бошланганлигини” сўзлари билан тўлдирилсин;

20-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ушбу Низомнинг 6^1-бобига мувофиқ ижара тўловларини тўлаш бошланганда”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 6^1-боб билан тўлдирилсин:

“6^1-боб. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаш тартиби

47^1. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаш ушбу Низомга 3-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

47^2. “Онлайн-навбат” ахборот тизимига киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар улар томонидан ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаш бўйича “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига бевосита борган ҳолда ёки “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги “Уй-жой ижараси” ахборот модули (кейинги ўринларда – “Уй-жой ижараси” ахборот модули) орқали ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ намунадаги ариза билан электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига бевосита борган ҳолда мурожаат қилинганида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими “Уй-жой ижараси” ахборот модулида етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола номидан электрон аризани шакллантиради.

47^3. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола қуйидаги шартларга бир вақтда жавоб берган тақирда, унга ижарага олинган уй-жойнинг ижара тўлови тўланади:

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ушбу Низомга мувофиқ мулк ҳуқуқи асосида уй-жой ажратилмаган бўлса;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ва уй-жойни ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилган бўлса;

олий таълим ташкилотларида ўқиётган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тегишли олий таълим таълим ташкилотининг ётоқхонасига жойлашмаган ёки ижара харажатлари учун компенсация олмаётган бўлса (ижара тўловлари таълим эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўланиши сўралганда);

бандлиги таъминланган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола билан тузилган меҳнат шартномаси “Ягона миллий меҳнат тизими”

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

идораларарo дастурий-аппарат комплексида рўйхатдан ўтказилган бўлса (ижара тўловлари бандлик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўланиши сўралганда).

47[4]. Қуйидаги маълумотлар “Уй-жой ижараси” ахборот модули томонидан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идораларарo интеграциялашув платформаси орқали автоматик равишда аниқланади:

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотлар;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ҳамда иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси тўғрисидаги маълумот (ижара тўловлари бандлик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўланиши сўралганда);

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг олий таълим ташкилотида ўқиётганлиги тўғрисидаги маълумот (ижара тўловлари таълим эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўланиши сўралганда);

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола Вазирлар Маҳкамасининг “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон ва 2023 йил 14 августдаги “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 376-сон қарорларига мувофиқ ётоқхона билан таъминланганлиги ёки ижара тўлови қоплаб берилаётганлиги тўғрисидаги маълумот;

ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги маълумот.

47[5]. Қуйидаги ҳолатларда ижара тўловларини тўлаш бўйича ариза рад этилади:

ижарага олинган уй-жой жойлашган ҳудуд етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг расмий банд бўлган ёки ўқиётган олий таълим ташкилоти жойлашган ҳудуддан фарқ қилганида, бундан бир маъмурий-ҳудудий бирлик таркибидаги туман (шаҳар)лар ўртасидаги фарқ мустасно;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола Вазирлар Маҳкамасининг “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон ва “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарорларига мувофиқ ётоқхона билан таъминланган ёки ижара тўлови қоплаб берилаётган бўлса;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ва ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилмаган бўлса.

Аризачи унинг ижара тўловларини тўлаш бўйича аризаси рад этилганлиги тўғрисида 1 иш кунида СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

47^6. Аризани шакллантириш жараёнида аризачи ушбу Низомнинг 47^3-бандида белгиланган шартларга жавоб берган тақдирда, мазкур ариза “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади ва бу тўғрисида аризачи 1 иш кунида СМС-хабарнома орқали хабардор қилинган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига юборилади.

Бунда тўловлар Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан автоматик шакллантириладиган электрон тўлов топшириқномалари асосида ижара шартномасида кўрсатилган санадан бошлаб амалга оширилади.

47^7. Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ижара шартномасида кўрсатилган ижара тўлови миқдорини шартноманинг амал қилиш муддати давомида ойма-ой ижарага берувчининг банк картаси ёки банк ҳисобварағига ўтказиб боради.

47^8. Уй-жойни ижарага олган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ушбу уй-жойда ҳақиқатда яшаётганлиги ҳолати мазкур ҳудудга бириктирилган маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан ҳар уч ойда, ижара муддатининг иккинчи йилидан бошлаб ҳар олти ойда камида бир марта мониторинг қилинади.

Мониторинг жараёнида уй-жойни ижарага олган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ижарага олинган уй-жойда яшамаётганлиги аниқланган тақдирда (соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанаётган, хизмат сафарида бўлган ҳолатлар бундан мустасно), маҳалладаги ижтимоий ходим “Уй-жой ижараси” ахборот модулида бу тўғрисида далолатнома тузади ва ижара тўловини тўлашни тўхтатиш мақсадида уни 1 иш кунида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига тасдиқлаш учун киритади.

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори томонидан ушбу далолатнома тасдиқланганда, ижара тўловини тўлаш тўхтатилади.

47^9. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола амалдаги ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида яшаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказини ижара шартномаси бекор қилинадиган кундан камида 5 иш куни олдин хабардор қилган ҳолда уй-жойини ўзгартириши мумкин. Бунда:

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола янги ижара шартномасига мувофиқ ижара тўловини тўлаш тўғрисида мазкур Низомнинг 47^2-бандида белгиланган тартибда қайта ариза киритади;

аризани рад қилишга асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, ижара тўловини тўлаш охирги тўловдан кейинги ойдан бошлаб давом эттирилади.

47^{10}. Қуйидаги ҳолларда ижара тўловини тўлаш бекор қилинади:

етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган шахс 30 ёшга тўлганда;

ижара тўловини тўлаш учун белгиланган 10 йилгача бўлган муддат тугаганда;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола вафот этганда, суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда";

қуйидаги мазмундаги 3 ва 4-иловалар билан тўлдирилсин:

"Етим болалар ва ота-она қарамоғидан
маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан
таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан ижарага олинган уй-жойларнинг ижара тўловларини тўлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар	Ижарага олинган уй-жойнинг ижара тўловларини тўлаш бўйича "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига бевосита борган ҳолда ёки "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимидаги "Уй-жой ижараси" ахборот модули орқали ариза билан электрон шаклда мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	"Уй-жой ижараси" ахборот модули	Қуйидаги маълумотлар "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали автоматик равишда аниқланади: етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотлар; етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ҳамда иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси тўғрисидаги маълумот (ижара тўловлари бандлик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўланиши сўралганда); етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг олий таълим ташкилотида ўқиётганлиги тўғрисидаги маълумот (ижара тўловлари таълим эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўланиши сўралганда); етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола Вазирлар Маҳкамасининг "Ижара ҳуқуқи	Ариза топширилган куннинг ўзида

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

		асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон ва “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарорларига мувофиқ ётоқхона билан таъминланганлиги ёки ижара тўлови қоплаб берилаётганлиги тўғрисидаги маълумот; ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги маълумот.	
3-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	1. Аризачи белгиланган шартларга жавоб берган тақдирда, ариза электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади ва бу тўғрисида аризачини СМС-хабарнома орқали хабардор қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига юборади. 2. Аризачи белгиланган шартларга жавоб бермаган тақдирда, унинг ижара тўловларини тўлаш бўйича аризасини рад этади ва бу тўғрисида СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилади.	1 иш кунида
4-босқич	Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси	Ижара шартномасида кўрсатилган ижара тўлови миқдорини ойма-ой ижарага берувчининг банк картаси ёки банк ҳисобварағига ўтказиб боради.	Шартноманинг амал қилиш муддати давомида

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан
маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан
таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

_____
_____ "Инсон"
ижтимоий хизматлар маркази директори
_____га
(Ф.И.О.)

"Онлайн-навбат" ахборот тизимида уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатида турган қуйидаги манзилда яшовчи фуқаро _____
Маҳалла _____
Кўча (мавзе) _____
Хонадон _____
ЖШШИР _____
томонидан _____
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

Мен _____ (Ф.И.О.) ___ йил _____дан буён "онлайн-навбат" ахборот тизимида уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатида тураман.

Мен ___ йилда ишлаш (ўқиш) учун _____ (ҳудуд) келганман ва ҳозирда _____ (ишлаш / ўқиш жойи) вазифасида ишлаб келмоқдаман (таҳсил оляпман). Мени уй-жойга муҳтож эканлигимни, ўзимнинг ёки ота-онамнинг номида уй-жой, реконструкция қилишга муҳтож уй-жой ёхуд уй-жой қурилиши учун ер майдони мавжуд эмаслигини ҳамда бандликка (таълимга) бўлган эҳтиёжимни инобатга олиб, _____ (ҳудуд), _____ тумани (шаҳри), "_____" МФЙ, _____ кўчаси, ___-уй / ___-хонадонга уй-жой эгаси _____ (Ф.И.О.) билан тузилган _____-сон ижара шартномасига асосан ижара тўловларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Ижарага берувчининг банк картаси (ёки банк ҳисобвараги) ва хизмат кўрсатувчи банк реквизитлари:

_____

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Менга ижарага олинган уй-жойнинг ижара тўловлари қонунчиликда белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк ҳуқуқи асосида уй-жой ажратилмаслигидан хабардорман.

Мурожаат қилувчининг имзоси: _____

Сана: 20 ___ йил "___" _____".

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорида:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ";

иккинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича учинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

"Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тузилмаси

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси раиси, врач-эксперт	1
Врач-экспертлар	6

Умумий штатлар сони 7 бирликни ташкил этади.

Изоҳ.

1. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси раиси врач-эксперт ҳисобланади.

2. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси алоҳида бинода жойлашганда қоровул ва фаррош лавозимлари қўшимча киритилади.

3. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиши мумкин";

в) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

“Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига
3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси раиси, врач-эксперт 1	
Врач-экспертлар 6–8	Врач-методист 1

Умумий штатлар сони 8–10 бирликни ташкил этади, ҳудудлар кесимида уларнинг аниқ сони Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори томонидан белгиланади.

Изоҳ.

1. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси раиси врач-эксперт ҳисобланади.

2. Алоҳида бино бўлганда қоровул ва фаррош, автотранспорт воситаси бўлганда ҳайдовчи лавозимлари қўшимча киритилади.

3. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиши мумкин”;

г) 6-иловада:

“Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (ТИЭК) номи” устуни 126-130-позицияларидаги “ТМЭК” сўзлари “ТИЭК” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 131-позиция билан тўлдирилсин:

“

131.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси	Республика бўйича	Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази (НРПММ)

”;

д) 8-иловада:

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

“1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) қошидаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (кейинги ўринларда — Республика ТИЭК) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг (кейинги ўринларда – ТИЭК) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Республика ТИЭК Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар), туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — Бошқарма) тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимидаги функционал таркибий бўлинмалари ҳисобланади”;

4-банддан “мутлақ” сўзи чиқариб ташлансин;

6-банддан “, ўз номи ёзилган муҳрга ва штампга эга бўлади” сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банд “тизимига” сўзидан кейин “Республика ТИЭК,” сўзлари билан тўлдирилсин;

10-банднинг бешинчи хатбошисидаги “дастурини ишлаб чиқиш” сўзлари “дастури электрон шакллантирилишини” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Республика ТИЭК:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар), туманлараро ТИЭКлари фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

фуқароларни шикоятига асосан, шунингдек назорат тариқасида тиббий-ижтимоий экспертиза кўригидан ўтказади;

ТИЭКга юклатилган функцияларни самарали ташкил этиш ва амалга оширишда амалий-методик ёрдам кўрсатади;

ногиронликни белгилаш, ногиронликни бошланган вақтини ва муддатларини аниқлаш фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

фуқароларнинг ТИЭК ва мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоятларини кўриб чиқади, унда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради;

тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

ТИЭК фаолиятида мунтазам равишда текширувлар ўтказиб, ўтказилган кўрикларнинг тўғрилиги ва асослилигини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт муассасалари мутахассисларини жалб қилган ҳолда тиббиёт муассасаларидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва асослилигини ўрганиш йўли билан мунтазам назорат қилади;

ТИЭК дастурий комплексининг юритилишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

республика бўйича тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида ҳисобот юритади;

республика ҳудудида ногиронлик ҳолати, динамикаси ва сабабини ҳамда ногиронликка олиб келувчи омилларни тизимли равишда ўрганади ва таҳлил қилади;

ногиронликнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

фуқарони тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда иштирок этади;

фуқарони тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш соҳасида янги мезон ва усулларни ишлаб чиқади;

ногиронликни белгилаш тартибини соддалаштириш ва тиббий-ижтимоий экспертиза фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар), туманлараро ТИЭКлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаб боради;

тиббий-ижтимоий экспертиза мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни режалаштириш ҳамда амалга оширишни назорат қилади;

ТИЭКга юклатилган функцияларни самарали ташкил этиш ва амалга оширишда амалий-методик ёрдам кўрсатади”;

иккинчи хатбоши йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин;

“а” кичик бандида:

учинчи–бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК томонидан 18 ёшдан катта фуқароларнинг ногиронликни белгилаш, ногиронлик гуруҳларини, сабабларини, бошланган вақтини ва муддатларини, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки соғлиғи бошқача тарзда шикастланган ходимларнинг касби бўйича меҳнатга лаёқатини йўқотганлик даражасини белгилаш фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

ТИЭК томонидан 18 ёшгача бўлган болаларнинг ногиронликнинг бошланган вақтини ва муддатларини белгилаш фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК томонидан тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш натижасига ҳамда шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра ўзгаларнинг парваришига, қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;";

ўнинчи хатбошидан "икки маротаба" сўзлари чиқариб ташлансин;

"г" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"г) бириктирилган ҳудуддаги ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури электрон шакллантирилишини ва амалга ошириш соҳасини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришда иштирок этиш соҳасида:

бириктирилган ҳудуддаги туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭКнинг ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар организмининг, мавжуд бўлмаган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган реабилитация ва абилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олган реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури электрон шакллантирилиши фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

электрон шакллантирилган реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида белгиланган тадбирларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширишда изчиллик ва узлуксизликни, ўтказилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини доимий кузатиб боради ва назорат қилади;

электрон шакллантирилган реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида белгиланган тадбирлар амалга оширилишининг мониторингини олиб боради, уни бажариш натижаларини баҳолайди;

бириктирилган ҳудуддаги ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация ва абилитация қилиш чора-тадбирлари самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади ва амалга оширишда иштирок этади;";

"е" кичик бандида:

иккинчи хатбошидан "ҳаёт фаолияти чекланганлигини экспертиза қилиш," сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ТИЭК 18 ёшгача бўлган болаларнинг ногиронлик белгилаш, ногиронликни бошланган вақтини ва муддатларини аниқлайди";

олтинчи хатбошидаги "дастурини ишлаб чиқади" сўзлари "дастури электрон шаклланишини таъминлайди" сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

“тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш натижасига ҳамда шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра ўзгаларнинг парваришига, қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар беради;”;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“бириктирилган ҳудуддаги ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар организмининг, мавжуд бўлмаган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган реабилитация ва абилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олган реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури электрон шаклланишини таъминлайди ва ижросини назорат қилади;”;

ўнинчи хатбошидаги “ишлаб чиқилган” сўзлари “электрон шаклланган” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидан “тиббий, касбий, ижтимоий, жисмоний” сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн еттинчи, ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи – йигирма иккинчи хатбошилари тегишлича ўн еттинчи–ўн тўққизинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 11^1-банд билан тўлдирилсин:

“11^1. Республика ТИЭК ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати таркибий бўлинмаларига ногиронликнинг олдини олиш ҳамда реабилитология ва эрготерапия бўйича тавсияномалар бериш;

тиббий-ижтимоий экспертиза фаолиятига алоқадор бўлган маълумотларни тегишли вазирликлар ва идоралардан сўраш ва олиш;

тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитацияси, абилитацияси соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий экспертиза қилиш ва реабилитация чораларини ўтказиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш;

тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида йўл қўйилган камчиликларни, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекцияга таклифлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар), туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарган хулосаларини бекор қилиш ҳамда уларнинг ўрнига янги хулоса қилиш”;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

12-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза электрон ахборот тизими” сўзлари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

учинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича учинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги “талаб қилиш,” сўзларидан кейин “ногиронлик белгилангунга қадар” сўзлари билан тўлдирилсин;

16-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Республика ТИЭК, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК тиббиёт муассасаларини бошланғич ташхисларига ва тақдим қилинган тиббий ҳужжатларига шубҳа бўлган ҳолатларда бепул текширувлар ўтказиш учун асбоб-ускуналар билан жиҳозланган давлат тиббиёт муассасаларига бириктириш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади”;

17-банд “Қорақалпоғистон Республикаси” сўзларидан олдин “Республика ТИЭК врач-экспертлигига хамда” сўзлари билан тўлдирилсин;

18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Республика ТИЭК раиси ва аъзолари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК раислари Агентлик директорининг ўринбосари билан келишилган ҳолда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК аъзоларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

19. Республика ТИЭК ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ТИЭК таркиби 7 та мутахассислик бўйича врач-эксперт – терапевт, хирург, невролог, педиатр, офтальмолог, психиатр, фтизиатрлардан иборат таркибда ташкил этилади, шунингдек, ногиронликнинг структурасига қараб психолог, социолог ва бошқа мутахассислар киритилиши мумкин.

ТИЭК врач-экспертларидан бири ТИЭК раиси этиб тайинланади.

ТИЭК алоҳида бинога эга бўлганда қўшимча равишда қоровул ва фаррош лавозими киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ТИЭК штатига врач методист, ҳайдовчи (автомобиль бўлганда) киради.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК штатига тиббий ҳамшира, ҳайдовчи (автомобиль бўлганда) киради.

ТИЭК иш графиги ҳафтада 5 кун 7 соатдан бўлиб, ҳар ойнинг бир кунида эксперт – методик кенгаш ўтказилади";

21-банднинг учинчи хатбошиси "Туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК комиссия йиғилишида" сўзларидан кейин "кўз, сил ёки руҳий касалликлари билан фуқаролар кўрикдан ўтказилганда, тегишлича" сўзлари билан тўлдирилсин;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"22. Республика ТИЭК, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ТИЭКда ишлаш учун мутахассислиги бўйича иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган врачлар жалб қилинади.

Туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭКда ишлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича магистратура, клиник ординатурани ҳамда бирламчи ихтисослаштириш курсларини битирганлар иш стажидан қатъи назар ишга қабул қилиниши мумкин.

Республика ТИЭК, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭКда терапевт, невролог, хирург, педиатр врач-эксперт лавозимига мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар ишга олинади";

6-боб қуйидаги мазмундаги 31^1-банд билан тўлдирилсин:

"31^1. Республика ТИЭК раиси тизимли равишда ТИЭК фаолияти бўйича Агентлик раҳбариятига ҳисобот беради.";

32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"32. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК таркибий тузилмасидаги барча раҳбар ва ходимларга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг олиб боради, ТИЭК фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради";

36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"36. ТИЭК ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш:

Республика ТИЭК раиси ва врачларига – соғлиқни сақлаш муассасалари I типи раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ТИЭК раисларига – соғлиқни сақлаш муассасалари III типи раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭКнинг врачлар ва бошқа тиббиёт ходимларига

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

– соғлиқни сақлаш муассасалари I гуруҳига мансуб ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари бўйича;

қолган ходимларга – давлат бошқаруви органлари тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари бўйича амалга оширилади";

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"37. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭК тизими ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти – 1,2 баравар оширилган миқдорда қўлланилади.

Республика ТИЭК ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти – 2 баравар оширилган миқдорда қўлланилади";

қуйидаги мазмундаги илова билан тўлдирилсин:

"Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари
тўғрисидаги низомга
илова

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида терапевт, невролог, хирург, педиатр врач-эксперт лавозимига ишга қабул қилиниши мумкин бўлган тиббий мутахассисликлар
РЎЙХАТИ

Т/р	Лавозим номи	Мутахассислик йўналишлари
1.	Эксперт терапевт	Анестезиология ва реаниматология шифокори
		Интенсив терапия шифокори (профиллар бўйича)
		Шошилинч кардиология ва кардиореанимация шифокори
		Ички касалликлар шифокори
		Аллергология ва иммунология шифокори
		Гастроэнтерология шифокори
		Нефрология шифокори
		Ревматология шифокори
		Гематология шифокори
		Кардиология шифокори
		Эндокринология шифокори
		Пульмонология шифокори
		Тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича бирламчи ихтисослаштириш курсларини битирган даволаш иши бўйича умумий амалиёт шифокори
2.	Эксперт-невролог	Неврология шифокори
		Игнарефлексотерапия шифокори
		Мануал терапия шифокори
		Нейрофизиология шифокори
		Нейрохирургия шифокори

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

		Тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича бирламчи ихтисослаштириш курсларини битирган даволаш иши бўйича умумий амалиёт шифокори
3.	Эксперт-хирург	Нейрохирургия
		Умумий онкология
		Травматология ва ортопедия шифокори
		Ортопедия шифокори
		Таянч-ҳаракат аппарат ўсмалари шифокори (хирургия)
		Урология шифокори
		Андрология шифокори
		Онкоурология шифокори
		Эндоурология шифокори
		Умумий хирургия шифокори
		Абдоминал онкохирургия шифокори
		Йирингли хирургия шифокори
		Колопроктология шифокори
		Хирургияда лазерлик технологиялар шифокори
		Онкопроктология шифокори
		Онкохирургия шифокори
		Оператив эндокринология шифокори
		Оператив-диагностик эндохирургия шифокори (профиллар бўйича)
		Пластик хирургия ва микрохирургия шифокори
		Юрак-қон томир хирургияси шифокори
		Торакал онкохирургия шифокори
		Торакал хирургия шифокори
		Тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича бирламчи ихтисослаштириш курсларини битирган даволаш иши бўйича умумий амалиёт шифокори
4.	Эксперт-педиатр	Педиатрия шифокори
		Болалар аллергология ва иммунологияси шифокори
		Болалар гастроэнтерологияси шифокори
		Болалар кардиология ва ревматологияси шифокори
		Болалар нефрологияси шифокори
		Болалар пульмонологияси шифокори
		Болалар неврологияси шифокори
		Тиббий генетика шифокори
		Болалик даври иммунопрофилактикаси шифокори
		Болалар анестезиология ва реаниматологияси шифокори
		Педиатрияда интенсив терапия шифокори (профиллар бўйича)
		Шошилинч интенсив педиатрия шифокори
		Болалар хирургияси шифокори
		Болалар кардиохирургияси шифокори
		Болалар онкохирургияси шифокори
		Болалар урологияси шифокори
		Тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича бирламчи ихтисослаштириш курсларини битирган педиатрия иши бўйича умумий амалиёт шифокори

”;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

е) 9-иловада:

1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тиббий-ижтимоий экспертиза текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмининг функциялари турғун бузилганлигини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар беради”;

бешинчи хатбошидаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида” сўзлари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули (кейинги ўринларда – “Экспертиза” модули)да” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд “Тиббиёт муассасаси раҳбари” сўзларидан кейин “ҳамда оилавий шифокор” сўзлари билан тўлдирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Касаллиги туфайли организм функциясининг турғун бузилиши мазкур Низомга 1^1-иловасида кўрсатилган муддатларда сақланиб қолган шахслар тиббиёт муассасасининг йўлланмасига мувофиқ ТИЭК кўригига қабул қилинади”;

11-банднинг биринчи хатбошисидаги “юқорида” сўзи “мазкур Низомга 1^1-иловасида” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. ТИЭКда кўрикдан ўтиш учун умумий касаллик ва болаликдан ногиронлик сабабларини белгилаш учун тиббиёт муассасасининг йўлланмаси, амбулатор картадан кўчирма, агар мавжуд бўлса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган касаллик тарихидан кўчирма тақдим этилади.

Меҳнатдан майиб бўлиш сабаби белгиланиши учун жароҳат олганлиги тўғрисида далолатнома (Н-1-шакл), бошқа сабаби белгиланиши учун эса – ваколатли муассасалар томонидан берилган хулосалар қўшимча равишда “Экспертиза” модулига юкланади.

Ҳужжатлар тўлиқ шакллантирилгандан сўнг оилавий шифокор томонидан “Экспертиза” модули орқали туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭКга юборилади.

ТИЭКга ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг беморга 3 иш куни ичида алоқа воситалари орқали кўрик ўтказиш санаси, вақти ва жойи кўрсатилган хабар юборилади.

Карантин (эпидемия ва пандемия) тадбирлари (чекловлари), табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар даврида тиббиёт муассасалари томонидан барча ҳужжатлар электрон шаклда ахборот

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

алмашинуви орқали, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда белгиланган тартибда тақдим этилади ҳамда электрон шаклда юборилган ҳужжатларга асосан ногиронлик ТИЭК томонидан сиртдан белгиланади”;

17-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Истисно тариқасида, ТИЭКнинг бир нафар аъзоси хизмат сафарида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки меҳнат таътили даврида ТИЭК мажлисларини бир нафар врач-эксперт иштирокисиз ўтказишга йўл қўйилади ҳамда ТИЭКнинг бундай мажлиси ваколатли ҳисобланади.”;

18-банднинг биринчи хатбошиси “20” рақамидан кейин “календарь” сўзи билан тўлдирилсин;

20-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ВМК” сўзи “оилавий шифокор” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида” сўзлари “Экспертиза” модулида” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида” сўзлари “Экспертиза” модулида” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Кўрик натижалари бўйича ТИЭК:

18 ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган бола деб топиш тўғрисидаги;

18 ёшдан катта шахсларга ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати белгиланганлиги тўғрисидаги;

меҳнатда майиб бўлган ва касбий касалликка чалинган шахслар учун касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси ва касб касаллигини аниқлаш тўғрисидаги;

қўшимча равишда тиббий текшириш ҳамда клиник ташхисни аниқлаштириш учун кўрикдан ўтувчини бириктирилган тиббиёт муассасаларига, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларига юбориш тўғрисидаги;

протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашга муҳтожлик тўғрисидаги;

ўзгалар парваришига муҳтожлик тўғрисидаги;

ушбу Низомнинг 2^1-иловасига мувофиқ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги тўғрисидаги;

санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги тўғрисидаги;

шахс ногиронлиги бўлган шахс (бола) деб топилмаганлиги тўғрисидаги хулосаларни (кейинги ўринларда – ТИЭК хулосаси) бериши мумкин”;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

27-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

28-банддаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими” сўзлари “Экспертиза” модули” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими” сўзлари “Экспертиза” модули” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида” сўзлари “Экспертиза” модулида” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“31. Агар қайта кўрикдан ўтказишда ногиронлик гуруҳи белгиланмаса, ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича шахс ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилиб, QR-код орқали тасдиқланиб ногиронлиги бўлган шахс (бола)га (ёки қонуний вакилига) берилади. Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига электрон тарзда ўша куннинг ўзида “Экспертиза” модули орқали юборилади.”;

32-банддаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими” сўзлари “Экспертиза” модули” сўзлари билан алмаштирилсин;

33-бандининг учинчи хатбошисидан “тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний” сўзлари чиқариб ташлансин;

35-банддаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимига” сўзлари “Экспертиза” модулига” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Даволаш натижаларининг прогнози, физиологик хусусиятлари, анатомик ҳолати, шунингдек, болалар организми орган ва тизимларининг компенсатор ҳолати, уларнинг тез ўсиши ва қайта тикланишини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилинади”;

38 ва 39-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Фуқароларга ногиронликни белгилаш ушбу Низомга 1^1-иловага мувофиқ ногиронликка олиб келувчи асосий касалликлар рўйхати ва ушбу касалликларда ногиронлик белгилаш мезонлари асосида амалга оширилади.

39. Организм функциясининг бузилишига қараб асосий касалликнинг клиник ўтишини, унинг асоратларини ва клиник-эксперт прогнозини ҳисобга олган ҳолда 18 ёшгача бўлган болаларга – ногиронлиги бўлган бола тоифаси, 18 ёшдан катталарга ногиронликнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи гуруҳи белгиланади”;

40-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

“42. Ногиронликни белгилаш тўғрисидаги хулоса клиник-психологик, ижтимоий-маиший омиллар комплексини баҳолашга асосланади. Бунда касалликнинг хусусияти, функцияларнинг бузилиш даражаси, даволаш, реабилитация тадбирларининг самарадорлиги, компенсатор механизмларининг ҳолати, клиник прогнози, реабилитация потенциали, ижтимоий мослашиш имконияти, ижтимоий ёрдамнинг ҳар хил турларига муҳтожлик, шахсий йўналтирилганлик, ёш ва шу кабилар ҳисобга олинади.

Кўрикдан ўтказиш чоғида ТИЭКда касаллик ёки нуқсоннинг хусусиятидан қатъи назар, ҳар бир ҳолатда бемор организмининг барча тизимлари комплекс тиббий текширувдан ўтказилади. Соғлиқни ва ижтимоий мослашиш даражасининг ҳолатини асосли баҳолаш мақсадида функционал лаборатория текширишлари маълумотларидан фойдаланилади. Беморнинг шахсий хусусияти, унинг ижтимоий мослашиш имконияти ҳисобга олинган ҳолда қарор қабул қилинади”;

45-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

46–48-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“46. Ижтимоий муҳофаза қилиш ёки ёрдамни тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатида организм функцияларининг барқарор кучли ифодаланган етишмовчилиги туфайли инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликнинг биринчи гуруҳини белгилаш учун мезон ҳисобланади.

47. Ижтимоий муҳофаза ёки ёрдамни тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатида организм функцияларининг барқарор ифодаланган етишмовчилиги туфайли инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликнинг иккинчи гуруҳини белгилаш учун мезон ҳисобланади.

48. Ижтимоий муҳофаза қилиш ёки ёрдамни тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатида организм функцияларининг барқарор ўртача етишмовчилиги туфайли инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликнинг учинчи гуруҳини белгилаш учун мезон ҳисобланади”;

54-банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“54. Ногиронлик тўғрисида хулоса чиқарилганда илгари амалга оширилган тиббий-ижтимоий чора-тадбирларнинг узвийлигини назарда тутадиган якка тартибдаги реабилитация дастури электрон тарзда шакллантирилади”;

55 ва 56-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“55. Ногиронлик навбатдаги қайта кўрикдан ўтказиш тайинланган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунигача белгиланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар қайта кўрикдан ўтиш муддати тугаётганлиги тўғрисида, қайта кўрикдан ўтиш белгиланган санадан бир ой олдин, ТИЭК томонидан хабардор қилинади.

в) оператив муолажанинг самарасизлиги ёки оператив давога муҳтожлик сурункали юрак етишмовчилиги 2 Б ёки 3 босқичи билан асоратланганда;

г) фақат паллиатив даво ўтказиш имконияти бор бўлган касаллик (нуқсонлар) ва нооперабел юрак-қон томир касалликларини қон айланиши етишмовчилиги 2 Б ёки 3 босқичи билан асоратланганда.

16. Ички секреция безлари функциясининг кучли ифодаланган даражадаги етишмовчилиги: (қандли диабетнинг 1 тури; Иценко-Кушинг синдроми, сурункали буйрак усти безларининг бошқа бузилишлари, тотал адреналэктомиядан кейинги ҳолат, буйрак усти бези пўстлоғининг оғир туғма дисфункцияси, туғма ва орттирилган гипотиреоз, гипопаратиреоз, тиреотоксикоз).

Инсулинга боғлиқ қандли диабет касаллиги билан (бола 7 ёшга тўлгунича 2 йилдан белгиланади, 7 ёшдан сўнг касаллик асоратига қараб:

сурункали буйрак касаллиги 4 ёки 5-босқичи билан асоратланган ҳолатларда;

диабетик ретинопатия (7-банддаги ҳолатларда);

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Иценко-Кушинг синдроми кучли ифодаланган юрак ёки ўпка етишмовчилиги (нафас етишмовчилиги 2 ва қон айланиши етишмовчилиги 2 Б ёки 3 ёки сурункали буйрак касаллиги 4 ёки 5-босқичи билан асоратланганда;

кучли ифодаланган жисмоний, психомотор, ақлий ривожланишдан ортда қолиши, ички аъзоларнинг кучли ифодаланган бузилишлари билан асоратланган туғма гипотиреоз (гипопаратиреоз) нинг оғир шакли;

эндокрин тизими касалликларининг ички аъзолар ва тизимларнинг кучли ифодаланган бузилишлари ёки психомотор ва нутқий ривожланишда чуқур орқада қолиши билан кечиши.

17. Кўплаб туғма нуқсонлар, ички аъзолар фаолиятининг бузилишлари, психомотор ва нутқий ривожланишда орқада қолиш билан кечувчи хромосом бузилишлар: Клайнфельтер синдроми, Шершевский-Тернер синдроми, Патау синдроми, Эдвардс синдроми, Даун касаллиги ва бошқалар:

а) таянч ҳаракат тизимининг ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида;

б) ички аъзолар фаолиятининг кучли ифодаланган даражада бузилишлари;

в) ифодаланган (оғир) F-71, F-72 ва кучли ифодаланган (чуқур) F-73 даражадаги ақлий заифлик;

г) 3 ёшгача бўлган болаларда психомотор ривожланишдан чуқур даражада ортда қолиши (3 ёшгача болалар неврологи, 3-15 ёшгача психоневролог, 15-18 ёшгача ўсмирлар психиатри хулосаси асосида).

18. Ўткир ва сурункали лейкозлар, гемобластозлар, хавфли гистиоцитоз, миелодиспластик синдромлар:

а) касаллик бирламчи аниқланган химиотерапияга муҳтож беморлар, турғун клиник-гематологик ремиссияга эришиш давригача муддат билан;

б) касаллик асоратлар ва рецидивлар билан кечишида организм функцияларининг кучли ифодаланган даражада бузилишлари мавжуд холларда.

19. Қон ишлаб чиқариш тизими ирсий гемолитик, туғма ва орттирилган апластик анемиялари қон препаратларининг инфузияси ёки қон ва унинг компонентлари трансфузиясига муҳтожлик, организм функцияларининг ифодаланган ва кучли ифодаланган даражада бузилишларида.

20. Сурункали тромбоцитопатиялар, ирсий ва орттирилган шакллари (Тромбоцитопеник пурпура. Идиопатик тромбоцитопеник пурпура):

касалликни доимий стандарт терапия фонида йилига 3 ва ундан ортиқ (стационарда тасдиқланган) оғир геморрагик синдром билан (Hb-60-70 г/лдан пасайиши) оғир кечиши;

касалликни гормонал, цитостатик терапияга резистент оғир кечиши (тромбоцитлар сони 10 000/мклгача турғун камайиши ёки 1 ойда 1 ва ундан ортиқ қон ва унинг компонентлари трансфузиясига муҳтожлик.

21. Коагулопатиялар. Гемофилия. Виллебранд касаллиги. Оврен касаллиги:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

а) касалликни доимий стандарт терапия фонида йилига 3 ва ундан ортиқ (стационарда тасдиқланган) оғир геморрагик синдром билан (Hb-60-70 г/лдан пасайиши) оғир кечиши;

б) касалликни 1 йилда 2 ва ундан ортиқ бўғимларга (гемартроз) ва/ёки 1 йилда 2 марта ички органларга қон қуйилишлар билан кечиши;

в) гемартроз натижасида келиб чиққан 2 ва ундан ортиқ бўғимлар аникилози ёки контрактуралари ҳисобига статодинамик функцияларнинг кучли ифодаланган бузилишларида (бўғим фаолияти бузилиши 3 ёки 4-даражаси).

22. Талассемия.

23. Иммун тизимини жалб этувчи айрим бузилишлар (туғма иммунитет танқислиги синдроми):

оғир мужассамлаштиришган антитаначалар етишмовчилиги устун бўлган иммунитет танқислиги ҳолатлари;

полиморф ядроли нейтрофиллар функционал бузилишлари ва септик грануламатоз – жигар, ўпка, лимфа тугунлари ва бошқа аъзоларнинг қайталаниб турувчи бактериал шикастланиши;

ички аъзолар ва тизимларининг ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида.

24. ОИТС – орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг IV босқичи прогрессия даври.

25. Буллёз эпидермолиз оғир тарқоқ шакли.

26. Кистозли фиброз (муковисцидоз).

27. Ички аъзолар фаолиятининг бузилишлари, психомотор ва нутқий ривожланишда орқада қолиш билан кечувчи ирсий гликоген тўпланиши ва гликосфинголипид метоболизмининг бузилиши касалликлари:

Помпе касаллиги;

Гоше касаллиги;

Фабри касаллиги;

Краббе касаллиги;

Ниманн-Пик (А ва В тури) касаллиги;

мукополисахаридозлар.

Изоҳ:

Рўйхатнинг 1, 3.а, 3.б, 4.б, 5.а, 6, 7.а, 7.б, 9, 10.г, 11.г, 12.б, 14.б, 14.г, 14.д, 14.е, 15.г, 16, 17.а, 17.б, 17.в, 18.б, 21.в, 22, 23, 25, 26, 27 – бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида 18 ёшгача бўлган муддатга белгиланади.

Рўйхатнинг 3.в, 7.в, 8.а, 8.б, 10.в, 11.а, 11.б, 11.в, 12.а, 13.а, 13.б, 13.в, 14.а, 14.в, 15.а, 15.б, 15.в, 18.а, 19, 20, 21.а, 21.б, 24 – бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида икки йил муддатга белгиланади.

Рўйхатнинг 2, 4.а, 5.б, 8.в, 10.а, 10.б, 17.г – бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида бир йил муддатга белгиланади";

3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

4-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

“Фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

_____ ТИЭК № _____

(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.) туманлараро, туман (шаҳар)

НОГИРОНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА № _____

Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
Ф.И.О.	
Манзили:	
Туғилган санаси (кун, ой, йил):	
Биринчи маротаба ногиронлик белгиланган сана (кун, ой, йил):	
Кўрикдан ўтказилган сана (кун, ой, йил):	
Кўрикдан ўтказилиши (бирламчи ёки қайта):	
Ногиронлик гуруҳи:	
Ногиронлик сабаби:	
Ногиронлик муддати (кун, ой, йил):	
ТИЭК кўригидан қайта ўтиш муддати (кун, ой, йил):	
ТИЭК ХУЛОСАСИ ВА ТАВСИЯЛАРИ	
Хулоса:	
Тиббий реабилитация бўйича тавсиялар:	
Ижтимоий реабилитация бўйича тавсиялар: (протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлиги):	
Ўзгалар парваришига муҳтожлиги:	
КАСБИЙ МЕҲНАТ ЛАЁҚАТИ ЙЎҚОТИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	
Тўғри келадиган ногиронлик гуруҳи:	
Тўғри келадиган ногиронлик сабаби:	
Касбий меҳнат лаёқати йўқотилганлиги даражаси:	
Касбий меҳнат лаёқати йўқотилган муддат (кун, ой, йил):	
(QR-код)	

Изоҳ.

1. Ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун БТПЖнинг тегишли бўлимига электрон тизим орқали юборилади.

2. Касбий меҳнат лаёқати йўқотилганлиги тўғрисида маълумот фақат меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахслар учун берилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига мувофиқ меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига боғлиқ бўлмаган ҳолда янги аниқланган касаллик оқибатида ногиронлик гуруҳи оғирлаштирилганда ногиронлик сабаби “умумий

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

касаллик” деб белгиланади, олдин аниқланган касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилиши даражаси эса беморнинг кўрикдан ўтиш кунидаги ҳолатига асосан қайта кўриб чиқилади”;

8 ва 9-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-илова

Кўрикдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик белгиланадиган касалликлар
РЎЙХАТИ

1-боб. Ички аъзолар касалликлари

1. Гипертония касаллиги сурункали юрак етишмовчилиги (кейинги ўринларда – СЮЕ) 3 функционал синф (кейинги ўринларда – ФС) 4 билан асоратланганда.

2. Миокард инфарктидан кейинги кардиосклероз СЮЕ 3 ФС 4 (NYHA) билан асоратланганда.

3. Юрак нуқсонлари (туғма ва орттирилган) СЮЕ 3 ФК 4 (NYHA) билан асоратланганда.

4. Туғма ва орттирилган сурункали ўпка касалликларида нафас етишмовчилиги 3 даражаси СЮЕ 3 ФС 4 билан кечиши.

5. Кардиомиопатиялар СЮЕ 3 ФК 4 (NYHA) билан асоратланганда.

6. Сурункали касалликларда буйрак етишмовчилиги терминал босқичи (трансплантацияга қарши кўрсатма бўлганда).

7. Жигар циррози Чайлд Пью бўйича “С” синфи СЮЕ 2Б-3 ФС 4 билан кечиши.

8. Сурункали лейкозлар (лимфоид, миелоид, моноцитар ва бошқалар) кучли ифодаланган бузилишларида.

9. Гемофилия (А, В, С, факторлар).

10. Силикоз, антракоз, силикотуберкулез, азбестоз ва бошқалар.

11. Ревматоид артрит бўғимлар функциясини 3 (яққол деформациялар бўлганда) ёки 4 даражадаги бузилиши билан.

12. Анкилозловчи спондилоартроз (Бехтерев касаллиги) бўғимлар функциясини 3 ёки 4 даражадаги бузилиши билан.

13. Ювенил артрит Кушингоид синдроми ва ички аъзоларнинг бузилишлари билан кечганда.

14. Бириктирувчи тўқималар тизимли касалликлари кучли ифодаланган бузилишларида

15. Суяк кўмиги трансплантациясидан кейинги ҳолат.

Изоҳ:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

9, 10, 11, 12, 13-бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлик гуруҳи умумий асосда муддатсиз даврга белгиланади.

10-бандида кўрсатилган касалликлар ҳолатида икки йил кузатувдан кейин ногиронлик гуруҳи умумий асосда муддатсиз даврга белгиланади.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 14-бандларида биринчи гуруҳ муддатсиз даврга белгиланади.

15-бандида учинчи гуруҳ муддатсиз даврга белгиланади, касалликларнинг оғирроқ шаклларида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг оғир гуруҳи (биринчи, иккинчи) умумий асосларда белгиланади.

2-боб. Руҳий бузилишлар ва асаб касалликлари

1. Кенг суяк нуқсони (3х4 см.кв.дан 39 см.кв.гача қопланган ва қопланмаган, 40 см.кв.дан ортиқ қопланган) ёки мия моддасидаги ўзга тана ҳолатида бош миянинг жароҳатли шикастланиши оқибатлари.

2. Бош мия ва орқа миянинг прогрессив ва нооперабел ўсмалари организм функцияларининг кучли ифодаланган функционал бузилишларида.

3. Ақлий заифлик:

а) руҳий бузилишларнинг ўрта ифодаланган даражасида;

б) руҳий бузилишларнинг ифодаланган даражасида;

в) руҳий бузилишларнинг кучли ифодаланган даражасида;

4. Деменция руҳий бузилишларнинг ифодаланган ва кучли ифодаланган даражасида.

5. Кучли ифодаланган нуқсонга олиб келган шизофрениянинг барча турлари.

6. Даун касаллиги организм функцияларининг ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида

7. Аутизм (атипик аутизм) руҳий бузилишларнинг ифодаланган ва кучли ифодаланган даражасида.

8. Бош ва орқа мия қон-томир касалликлари, бош мия ва орқа мия жароҳатлари оқибатида ифодаланган даражада пара-, гемипарез; ўрта даражада три- ва тетрапарез; кучли ифодаланган даражада пара-, геми-, три-, тетрапарез; ифодаланган даражада три-, тетрапарез ва плегиялар (барча ҳолатларда икки йил давомида кузатувдан сўнг).

9. Полиомиелит касаллиги асоратлари организм функциясининг ўрта, ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида.

10. Елка чигалининг тотал жароҳатланиши асоратлари:

а) монопарез

б) кучли ифодаланган монопарез, моноплегия.

11. Туғма микроцефалия организм функциясининг кучли ифодаланган бузилишларида.

12. Барча турдаги атаксияларнинг кучли ифодаланган бузилишлари.

13. Болалар церебрал фалажи:

а) ўрта даражадаги бузилишлар билан;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

б) ифодаланган бузилишлар билан;

в) кучли ифодаланган бузилишлар билан.

14. Паркинсон касаллиги ифодаланган ва кучли ифодаланган акинетик-ригид ёки ригид-титроқ тури.

15. Ён амиотрофик склероз организм функциясининг ифодаланган ва кучли ифодаланган даражадаги бузилишлари билан кечганда.

16. Тарқоқ склероз организм функциясининг ифодаланган ва кучли ифодаланган даражадаги бузилишлари билан кечганда.

17. Ривожланиб борувчи мушаклар дистрофияси (миопатиялар), спинал мушак атрофияси организм функциясининг ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида.

18. Туғма гидроцефалия организм функциясининг кучли ифодаланган даражадаги бузилишларида.

19. Spina bifida организм функциясининг кучли ифодаланган бузилишларида.

20. Миастения генерализациялашган тури организм функциясининг ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида.

21. Наслий-дегенератив касалликлари организм функциясининг ифодаланган ва кучли ифодаланган бузилишларида.

Изоҳ:

2, 3.в, 5, 11, 12, 13.в, 18, 19 — бандларда кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг биринчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

3.б, 10.б, 13.б — бандларидаги касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг иккинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

1, 3.а, 10.а, 13.а — бандларида кўрсатилган ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронликнинг учинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

4, 6, 7, 8, 9, 14, 15, 16, 17, 20, 21-бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлик гуруҳи умумий асосда белгиланади.

Ушбу рўйхатдаги касалликларнинг оғирроқ шаклларида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг оғир гуруҳи (биринчи, иккинчи) умумий асосларда белгиланади.

3-боб. Жарроҳлик касалликлари ҳамда анатомик нуқсонлар ва деформациялар

1. Органнинг бир қисми ёки жуфтлик органларнинг бири олиб ташлангандан кейинги ҳолат:

а) операция йўли билан олиб ташлангандан кейин ҳиқилдоқ бўлмаслиги, қизилўнгачнинг бир қисми операция йўли билан олиб ташланганлиги, пульмонэктомия, нефроэктомия, ингичка ичак катта ҳажмли резекцияси, ингичка ичакнинг катта ҳажмли резекциясидан кейин, йўғон ичак бир қисми гемиколэктомияси бир йил давомида кузатувдан сўнг;

б) Гастрэктомиядан икки йил кузатувдан сўнг (органлар ва тизимлар функцияси енгил ва ўрта даражадаги бузилишларида).

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

2. Қўл нуқсонлари ва деформацияси:

а) иккала қўл кафтида барча бармоқларнинг асосидан йўқлиги, икки томонлама билак чўлтоқлиги, икки томонлама елка чўлтоқлиги, бир томонлама елка ёки бир томонлама билак чўлтоқлигининг сон ёки болдир чўлтоқлиги билан бирга келиши.

б) бир томонлама елка чўлтоқлиги, билак чўлтоқлиги, панжа чўлтоқлиги, бир қўл кафтида барча бармоқларнинг асосидан йўқлиги, бир қўл кафтида биринчи ёки бешинчи бармоқдан ташқари барча бармоқларнинг кафт суяги билан йўқлиги;

в) 60 градусдан кам ёки 150 градусдан ортиқ бурчакли тирсак бўғимининг анкилози ёки кескин ифодаланган контрактураси, функционал ноқулай ҳолатдаги ёки билакнинг сўнгги даражадаги пронация ёки сўнгги даражадаги супинацияси қайд этилганда, резекциядан кейин шалвираб турган елка ёки тирсак бўғими; елканинг ёки билакнинг ҳар икки суяги сохта бўғими:

– биринчи бармоқдан ташқари панжанинг тўртта бармоқларининг йўқлиги;

– бир кафтида уч бармоқнинг йўқлиги, биринчи бармоқ билан бирга;

– функционал ноқулай ҳолатда ушбу бармоқларнинг анкилози ёки кескин ифодаланган контрактураси;

– биринчи ва иккинчи бармоқларнинг ёки ҳар икки панжа уч бармоғининг асосидан йўқлиги;

– иккала кафтда биринчи бармоғининг асосидан йўқлиги.

3. Оёқ нуқсонлари ва деформацияси:

а) икки томонлама болдир чўлтоқлиги. Икки томонлама соннинг қайси сегменти бўлишидан қатъи назар чўлтоқлиги. Болдир чўлтоқлигининг сон чўлтоқлиги билан бирга келиши. Бир томонлама болдир ёки бир томонлама сон чўлтоқлигининг билак ёки елка чўлтоқлиги билан бирга келиши;

б) турли даражаларда сон ёки болдир чўлтоқлиги; иккала оёқ Пирагов чўлтоқлиги;

в) суяк-пластик ампутациядан кейин оёқ панжаси чўлтоқлиги (Пирогов, Лисфранк, Шопар тури);

г) болдир товон бўғимининг кескин ифодаланган контрактураси ёки анкилози юриш ва туриш функцияларининг ифодаланган бузилиши билан оёқ панжасининг нуқсонли ҳолатида;

д) соннинг ёки болдирнинг ҳар иккала суягининг сохта бўғими (икки йил кузатувдан кейин); елка ва билак суяклари сохта бўғими (бир йил кузатувдан сўнг);

е) резекциядан кейин шалвираган тизза ёки тос-сон бўғими;

ж) тос-сон бўғимининг кескин ифодаланган контрактураси ёки анкилози; 180 градусдан кам бурчакли функционал жиҳатдан ноқулай ҳолатдаги тизза бўғимининг анкилози ёки бўғимнинг резекциясидан кейин оёқнинг 7 сантиметрдан ортиқ калталиги.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

4. Юрак клапанларини протезлаш ёки сунъий ритм юритувчиси ўрнатилгандан кейинги ҳолат (бир йил кузатувдан кейин).

5. Даволашга қарамай бартараф этиб бўлмайдиган стомалар (оқма)мавжудлиги: нажас, сийдик оқмаси натижасида вужудга келувчи ифлослик. Сийдик пуфаги ва тўғри ичакнинг тотал экстирпацияси.

6. Ўтказилган операция оқибатидаги кўкрак қафаси деформацияси, бешта ва ундан ортиқ қовурға резекцияси бўлган ҳолатда (бир йил давомида кузатувдан сўнг).

7. IV-клиник гуруҳи бўлган хавфли ўсмалар (оғир умумий ҳолат, кучли ифодаланган интоксикация, ўсманинг инкурабеллиги, ўсманинг парчаланиши, метастазлар ва рецидивлар, кахексия билан асоратланганда).

8. Кифосколиоз ва сколиознинг IV-даражаси.

9. Органлар (буйрак, жигар) трансплантацияси:

а) реципиентлар – бир йил кузатувдан кейин;

б) буйрак донорлари.

10. Йирик бўғимларнинг тотал эндопротезлашдан кейин бир йил кузатувдан сўнг (қолган бўғимларнинг функцияси бузилмаган ёки енгил ва ўрта даражада бузилган ҳолатларда)

11. Икки ва ундан ортиқ йирик бўғимларнинг тотал эндопротезлашда, охирги операциядан кейин бир йил кузатувдан сўнг (қолган бўғимларнинг функцияси бузилмаган ёки енгил ва ўрта даражада бузилган ҳолатларда).

12. Артрогрипоз, ахондрогенез, ахондроплазия, тугалланмаган остегенез.

13. Овқат ҳазм қилиш тракти туғма аномалияларида (қизилўнгач, ошқозон, ингичка ичак, йўғон ичак, тўғри ичак йўқлиги ёки атрезияси, стенози) организм функциясининг кучли ифодаланган бузилишларида.

14. Агар протезлаш чайнашни таъминламаса, жағ ёки қаттиқ танглай нуқсонлари реконструктив жарроҳлик амалиётларидан сўнг натижага эришилмаса.

15. Сурункали лимфа айланишининг кучли даражада бузилиши (лимфостаз) фил оёқлик (икки йил кузатувдан кейин):

а) бир томонлама;

б) икки томонлама;

Изоҳ:

12-бандда кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлик гуруҳи умумий асосда белгиланади.

2.а, 3.а, 7, 13-бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг биринчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

2.б, 3.б, 5, 9.а, 15.б-бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг иккинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

1, 2.в, 3.в, 3.г, 3.д, 3.е, 3.ж, 4, 6, 8, 9.б, 10, 11, 14, 15а -бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг учинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

Ушбу рўйхатдаги касалликларнинг оғирроқ шаклларида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг оғир гуруҳи (биринчи, иккинчи) умумий асосларда белгиланади.

4-боб. Қулоқ касалликлари

1. Болаликдан кар-соқовлик.

2. Карлик (3-4 даража ва 4 даражали қаттиқ қулоқлик) имплант қўйиш имкониятининг чекланган ҳолатларда.

Изоҳ: 1-бандда кўрсатилган касалликда ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг иккинчи гуруҳи, 2-бандда кўрсатилган касалликда эса ногиронликнинг учинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

5-боб. Кўз шикастланиши ва касаллиги

1. Ҳар икки кўзнинг тўлиқ кўрлиги, ҳар икки кўзнинг кўриш ўткирлиги пасайиши ва энг яхши кўрадиган кўзда 0,03 гача коррекция билан ёки барқарор ва тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар натижасида ҳар икки кўзнинг кўриш майдони 10 градусгача концентрик торайиши.

2. Бир томонлама анофтальм, бир кўзнинг тўлиқ кўрмаслиги, бир кўзнинг кўриш ўткирлиги барқарор ва тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар натижасида коррекция билан 0,02 гача пасайиши ва кўриш майдонининг 5 градусгача торайиши. Иккинчи кўзнинг кўриш ўткирлиги коррекция билан 0.09 дан 1.0 гача пасайиши, кўриш майдонининг 45 градусгача торайиши.

3. Альбинизм кўз шаклида (генетик тасдиқланган холда), кўзнинг туғма аномалияларида (ривожланиш нуқсонлари) барқарор ва тиклаб бўлмайдиган ўзгаришларида.

Изоҳ:

1-бандда кўрсатилган касалликларда ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг биринчи гуруҳи белгиланади, кўриш ўткирлигини тиклаш имконияти мавжуд бўлганда эса, ногиронлик муддати умумий асосларда белгиланади.

2-бандда кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг учинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

3-бандда кўрсатилган касалликларда ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг биринчи, иккинчи, учинчи гуруҳи умумий асосларда муддатсиз белгиланади.

Ушбу рўйхатдаги касалликларнинг оғирроқ шаклларида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг оғир гуруҳи (биринчи, иккинчи) умумий асосларда белгиланади.

6-боб. Ҳаёт учун хавфли ва сурункали ривожланадиган кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликлар

1. Орфан касалликлари:

муковисцидоз;

тизимли бошланувчи ювенил артрит;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

талассемия;

буллёз эпирдемиолиз;

туғма ихтиоз;

Помпе касаллиги (гликогенни тўпланиши касаллиги);

Гоше касаллиги (қон яратиш тизими касаллиги);

Фабри касаллиги (ирсий касаллик, гликосфинголипид метоболизмини бузилиши);

Краббе касаллиги (ирсий касаллик миелин толаларини бузилиши);

Ниман-Пик (А ва В тури) касаллиги (ирсий касаллик, липид метоболизмини бузилиши), мукополисахаридозлар ва бошқалар.

2. Гипофизар нанизм.

3. Мохов.

4. Туғма гипотиреоз

Изоҳ:

1, 3 ва 4-бандда кўрсатилган касалликларда ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг гуруҳи (биринчи, иккинчи, учинчи) умумий асосларда белгиланади.

2-бандда кўрсатилган касалликлар бўйи эркакларда 130 см ва ундан паст, аёлларда 120 см ва ундан паст бўлганида ногиронликнинг 2 гурух муддатсиз, бўйи 135 см ва ундан паст бўлганда 3 гурух муддатсиз белгиланади.

7-боб. Тери касалликлари ва ОИВ инфекцияси касалликлар

1. Нейрофиброматоз касаллиги, терининг тотал зарарланиши билан.

2. Пўрсилдоқ яра оғир шакли (пемфигус).

3. ОИВ инфекцияси касаллиги:

а) III ёки IV клиник босқичи ремиссия даври;

б) Терминал босқичи кучли ифодаланган бузилишлар билан

Изоҳ:

2-бандда кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлик гуруҳи умумий асосда муддатсиз белгиланади.

1 ва 3.а-бандларида кўрсатилган касалликлар ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг учинчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

3.б-бандида кўрсатилган ҳолатида ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронликнинг биринчи гуруҳи муддатсиз белгиланади.

Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахслар клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувларсиз улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронлик муддатсиз даврга белгиланади.

Бундай ҳолатларда 18 ёшгача бўлган болаларда ногиронлик 18 ёшга тўлгунгача бўлган муддатга белгиланади”;

ж) 10-илова (Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом)да:

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

7-банднинг тўртинчи хатбошисидан “ва ҳаёт фаолияти чекланиши даражаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банддан “ва ҳаёт фаолияти чекланишининг бошқа тоифаларига” сўзлари чиқариб ташлансин;

з) 11-илова (Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низом)да:

1-банддаги “ишлаб чиқиш” сўзлари “электрон шакллантириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Реабилитация қилиш тадбирларини амалга оширишда ТИЭК мутахассислари текшириб кўрилаётган шахс (бола)га (ёки унинг қонуний вакилига) реабилитация тадбирларининг мақсадини, вазифаларини, башорат қилинаётган натижаларни, тиббий ва ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши шарт.

Ногиронлиги бўлган шахс (бола) учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказилганидан кейин ўн кун ичида ногиронлиги бўлган шахс (бола)ни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули (кейинги ўринларда – “Экспертиза” модули) орқали шакллантирилади.

7. 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага РЯТД расмийлаштирилганда қонуний вакили ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилади.

ТИЭК мутахассислари РЯТДни тузишда ногиронлиги бўлган шахс (бола)ни Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ–641-сон Қонунида назарда тутилган ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қиладилар”;

8 ва 9-бандлардаги “ишлаб чиқиш” сўзлари “ электрон шакллантириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

10 ва 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Реабилитация эксперт диагностикасининг мураккаб турларини қўллаш талаб қилинадиган ҳолларда ногиронлиги бўлган шахс (бола) РЯТДни тўлдириш ва унга тузатишлар киритиш учун ТИЭК томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларига (кейинги ўринларда – РМ), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар тизимидаги даволаш-профилактика ва диагностика муассасаларига белгиланган тартибда юборилиши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахс (бола)га (ёки унинг қонуний вакилига) электрон шакллантирилган РЯТДга мувофиқ уни тиббий, касбий, ижтимоий, жисмоний реабилитация ва абилитация қилиш учун тегишли бўладиган тадбирлар, техник воситалар ва хизматлар режасини аниқлаш мақсадида у қайси бажарувчи ташкилотга мурожаат қилиши тушунтирилади.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

11. Электрон шакллантирилган РЯТД ногиронлик гуруҳининг белгиланган даврида амалда бўлади.

Ногиронлиги бўлган шахс (бола) (ёки унинг қонуний вакили) электрон шакллантирилган РЯТДни рад этган тақдирда, ТИЭК томонидан тегишли далолатнома тузилади, ногиронлиги бўлган шахс (бола) (ёки унинг қонуний вакили)нинг ёзма рад этиш хати (ёки рад этганлиги ҳақидаги далолатнома) "Экспертиза" модулига киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахс (бола) (ёки унинг қонуний вакили) РЯТДга рози бўлмаган тақдирда, у ТИЭКнинг юқори муассасаларига, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир";

12-банддаги "ишлаб чиқилган" сўзлари "электрон шакллантирилган" сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

17 ва 18-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"17. Бажарувчи ташкилотлар РЯТДда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни "Экспертиза" модулига ўзларининг ахборот тизимлари орқали юборади.

18. РЯТДнинг бажарилиши ТИЭК томонидан ногиронлиги бўлган шахс (бола)ни кейинги тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида якуний баҳоланади";

19-банддаги "ишлаб чиқиш" сўзлари "электрон шакллантириш" сўзлари билан алмаштирилсин;

илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ногиронлиги бўлган шахсни
реабилитация қилишнинг якка тартибдаги
дастури тўғрисидаги низомга
илова

Ногиронлиги бўлган шахс (бола)ни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури

20 ___йил "____" _____даги _____-сон кўрик далолатнома _____-сон РЯТД

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси _____ №_____

Фамилияси, исми, отасининг исми

_____

Жинси: эркак, аёл. Туғилган санаси

_____

Доимий (вақтинчалик) яшаш манзили

_____

_____ телефони _____

Ногиронлик гуруҳи Ногиронлик сабаби

_____ _____

Ногиронлик
белгиланган муддат 20 ___ йил "___" _____гача

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Такроран кўрикдан
ўтказиш 20 ___ йил "___" _____.

Тиббиёт муассасасининг номи _____

№ _____

Тиббий реабилитация қилиш:

Тиклаш терапияси (Медикаментоз терапия, физиотерапия, рефлексотерапия, фитотерапия, массаж)

_____

Реконструктив жаррохлик

_____

_____

(тури)

Тавсия қилинган протез-ортопедик мосламалар

_____

(тури)

Тавсия қилинган реабилитация қилишнинг техник воситалари

_____

(тури)

Ўзгалар парваришига мухтожлиги:

";

5. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида" 2022 йил 4 июлдаги 354-сон қарорида:

а) 1-иловада:

103-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"103. Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронликни белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади";

206-банд "б" кичик бандининг тўртинчи хатбошисидан "Ўзбекистон Республикаси Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги" сўзлари чиқариб ташлансин;

14-илованинг тўртинчи устунидаги "Ўзбекистон Республикаси Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги" сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илова 24-банди "в" кичик бандининг бешинчи хатбошисидан "Ўзбекистон Республикаси Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги" сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 31 августдаги 486-сон қарорида:

а) 1-илованинг изоҳ қисми чиқариб ташлансин;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

б) 2-иловада:

9 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

14-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи–ўнинчи хатбошилар тегишлича еттинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

38-бандда:

биринчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

иккинчи–ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича биринчи – ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

52-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 3-илова изоҳ қисмида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошиси иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 декабрдаги 731-сон қарори билан тасдиқланган Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини кўчириш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Паралимпия спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилар Марказнинг профессионал таълим босқичининг 1-босқичига IPC (Халқаро паралимпия қўмитаси), IBSA (Халқаро кўзи ожизлар спорти федерацияси) тиббий-функционал талабларига асосан Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси тавсиясига кўра танлов асосида қабул қилинади”;

10-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорида:

а) 1-илованинг 10-позицияси чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 10 ва 13-позициялари чиқариб ташлансин;

в) 5-илованинг 15-позицияси чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида регламенти 1-иловасининг

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

“А-қисми” устунидан “Тиббий ижтимоий эксперт комиссияси томонидан” сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 313-сон қарори билан тасдиқланган “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 16-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган ёрдамни кўрсатиш бўйича шакллантирилган тавсиянома қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли тиббиёт муассасасидан ихтисослаштирилган муассасада даволанишига асос бўлувчи ва тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган йўлланмани (кейинги ўринларда – йўлланма) олиши учун ёрдам олувчига берилади”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 17-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган ёрдамдан фойдаланиш учун тавсиянома асосида ёрдам олувчи томонидан йўлланма билан қайта мурожаат қилингандан сўнг, ижтимоий ходим томонидан бир иш куни ичида йўлланма соғлиқни сақлаш органлари орқали ёки уларнинг электрон ахборот тизимларидан текширилади ҳамда кўриб чиқиш учун “Маҳалла еттилиги”га киритилади”;

в) 2-иловада:

5-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий ёрдам олувчининг қуйидаги тоифалардан бирига тааллуқлилиги:

а) Камбағал оилалар реестрида рўйхатда турган оила аъзоси;

б) ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оила аъзоси. Бунда, оила Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан кам таъминланган деб эътироф этиш ва уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш шартларига тўғри келиши лозим”;

7-позициянинг учинчи устунида:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур ёрдам уни олувчилар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ:

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига мувофиқ йўлланмалар асосида;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Давлат тиббий суғуртаси маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилмаган ёки ушбу ёрдам харажатлари бошқа манбалар ("Аёллар дафтари" жамғармаси, "Ёшлар дафтари" жамғармаси ва бошқа манбалар) ҳисобидан қопланмаган ҳолатларда кўрсатилади.

Ёрдам олувчиларнинг ҳисоби алоҳида юритилади.

Мазкур паспортга мувофиқ жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатларини қоплаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан тасдиқланади".

11. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори 4-иловаси "Касб ва лавозимлар" устунининг 2-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Врачлик-маслаҳат комиссияси (ВМК) шифокорлари".

12. Вазирлар Маҳкамасининг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2024 йил 27 декабрдаги 893-сон қарорида:

а) 2-иловага 2-илованинг 2-банди "к" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"к) болани фарзандликка ёки оилавий болалар уйига олиш истагини билдирган шахсларнинг оилага олинаётган боланинг тиббий ташхисидан хабардорлиги тўғрисида маълумотлар";

б) 4-иловада:

8-банддан ", уларнинг тавсифномаларини яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан сўраб олади" сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"16. Ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш чораларини кўриши шарт.

Ота-она уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида ўз боласини қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назорати остида қолдириши шарт. Бу ҳолда васийлик ёки ҳомийлик агар боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, белгиланади.

Ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетишидан камида бир ой олдин ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризани ўзи вақтинча ёки доимий яшаётган ҳудуддаги ваколатли органга бериши керак.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

Агар ота-она ўз боласига васий ёки ҳомий тайинламасдан уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вақтинча чиқиб кетган тақдирда, заруратга кўра, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ “маҳалла еттилиги”нинг болага нисбатан васий ёки ҳомий тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги далолатномаси асосида васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши мумкин.

Ота-она чет давлатдан қайтиб келганидан сўнг, боласи (болалари)га нисбатан белгиланган васийлик ёки ҳомийликни тугатиш учун ваколатли органга мурожаат қилиши лозим”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги 126-сон қарорида:

а) 1-иловада:

18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Кундузги парвариш хизмати ЯТТ томонидан ташкил этилганда кўпи билан 2 та гуруҳ, юридик шахс томонидан ташкил этилганда кўпи билан 4 та гуруҳ ташкил этишга йўл қўйилади.

Кундузги парвариш хизматида ҳар битта гуруҳ 4 – 9 нафаргача тарбияланувчидан иборат бўлади.

Бунда 3 ёшдан 10 ёшгача ва 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган тарбияланувчиларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиш тавсия этилади.

19. Ҳар бир гуруҳ алоҳида хона(лар)да ҳамда бошқа гуруҳдан ажратилган ҳолда ташкил этилади”;

29-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“кундузги парвариш хизматини ташкил этган хусусий шерик билан ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўртасида тузилган шартнома бекор қилинганда”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 17^1-банд билан тўлдирилсин:

“17^1. Техник носозлик сабабли “Кундузги парвариш” ахборот модулининг мобил иловаси ёки махсус қурилмалар ёрдамида тарбияланувчиларни биометрик идентификация қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, хусусий шерик мазкур ҳолат юзасидан дарҳол ўша ҳудуддаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказини хабардор қилади. Бунда тарбияланувчиларнинг уч кундан ортиқ бўлмаган муддатдаги давомати “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан тўлдириладиган тарбияланувчиларнинг қатнови далолатномаси асосида амалга оширилади.

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази техник носозлик сабабли тўлдирилган тарбияланувчиларнинг қатнови далолатномасини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан “Кундузги парвариш” ахборот модулига киритиш учун тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади”.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

14 . Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 5 майдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар” сўзлари “тегишли тўловлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-бандда:

учинчи хатбошидаги “ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади” сўзлари “тўловларни амалга ошириш давом эттирилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ҳисобот ойда тегишли ўқув курсларида мунтазам қатнашмаганлиги аниқланганда, ҳисобот ойи учун тўланган тўлов суммаси кейинги тўловларни амалга оширишда ҳисобга олинади”;

в) 15-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 23-банднинг биринчи хатбошисидаги ҳамда 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги “8 ва 9-иловаларга” сўзлари “8, 9 ва 10-иловаларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-иловада:

6-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6.	Ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	Олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун тайёрлаш хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилоти билан тузилган шартнома**

”;

изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**Бунда нодавлат таълим ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳамда бола (ёки унинг қонуний вакили) ўртасида тузиладиган шартномалар “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади”;

д) 6-иловада:

3-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

3.	Ижтимоий ёрдам миқдори:	Давлат олий таълим муассасаларнинг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тасдиқланган тўлов-контракт суммалари миқдорида

”;

7 ва 8-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7.	Ижтимоий ёрдамни кўрсатиш талаблари ва шартлари:	Олий таълим ташкилотлари талабаларининг таълим олиши учун тўлов-контракт суммасини тўлаш тарзидаги ижтимоий ёрдам фақат давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичининг кундузги, кечки ва

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

		масофавий таълим шаклига ўқишга қабул қилинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга кўрсатилади.
8.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш даврийлиги:	Олий таълим ташкилотини бакалавр босқичини тугатгунга қадар, бироқ ижтимоий ёрдам олиш ёши доирасида.

”;

изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ушбу ижтимоий ёрдам тури мазкур паспортнинг 3-позициясида белгиланган миқдорларда 2025 йилнинг якунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичининг кундузги, кечки ва сиртқи шаклларига ўқишга қабул қилинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ҳам кўрсатилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида ўқишига оид маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимларидан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади”;

ж) 10-илованинг 9-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

9.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакли:	Жиҳозлар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ёки уларнинг қонуний вакиллари томонидан ушбу турдаги товарлар сотиладиган электрон савдо платформалари ёхуд савдо майдончалари орқали электрон шаклда харид қилинади***.

”;

з) 13-иловада:

номи “ўқув курси” сўзларидан кейин “, тест ва амалий имтиҳонлар” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Ижтимоий ёрдам номи:	Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси, тест ва амалий имтиҳонлар харажатларини қоплаш

”;

3-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

3.	Ижтимоий ёрдам номи:	ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 22 бараваригача; тест ва амалий имтиҳонлари харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваригача.

”;

6-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6.	Ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш учун тақдим	Мазкур ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчи ҳамда давлат ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида электрон шаклда тузилган шартнома.

”;

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

	қилинадиган ҳужжатлар:	

8 ва 9-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

8.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш даврийлиги:	Белгиланган сумма доирасида ҳар бир тоифа учун бир маротаба.
9.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакли:	Давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари билан тузилган электрон шартномага мувофиқ ойма-ой ўтказилади

”;

и) 14-илованинг 9-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

9.	Изоҳ:	Уй-жойни жорий таъмирлаш бўйича маблағлар қуйидаги ҳолларда ажратилади: уй-жойнинг том қисмини таъмирлаш учун; уй-жойнинг яшаш хоналарини пол қисмини таъмирлаш учун; уй-жойнинг яшаш хоналарини кенгайтириш учун; уй-жойнинг яшаш хоналари ва ошхонасининг эшик ва деразаси йўқ ёки яроқсиз ҳолатда бўлса, янгилаш ёки таъмирлаш учун; уй-жойнинг ҳаммом ёки ҳожатхонаси мавжуд бўлмаса ёки таъмирталаб бўлса, янгитдан қуриш ёки таъмирлаш учун. Мазкур ёрдамдан фойдаланиш учун Оилавий болалар уйини ташкил этган хонадон эгаси мурожаатига мувофиқ “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ёрдам олувчиларга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлган уй-жойларга борган ҳолда ҳақиқатда муҳтожлик мавжудлиги юзасидан ўрганиш ўтказилиб, нуқсон далолатномаси тузилади. Бунда нуқсон далолатномасида ёрдамдан фойдаланувчига тегишли уй-жойнинг таъмирланиши лозим бўлган қисмлари ҳамда янгисига алмаштирилиши лозим бўлган жиҳозлар (эшик-ром, шифер ва бошқалар) аниқ кўрсатилган ҳолда уй-жойнинг фотосуратлари илова қилинади. “Маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқланган далолатномага асосан таъмирлаш ишлари учун маблағлар ўтказиб берилади.

”.

QMMB:09/25/587/0836-son
17.09.2025-y.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 23 июлдаги “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 462-сон қарори 3-бандидаги “1 сентябрга” сўзлари “15 октябрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

Изоҳ. *Мазкур илованинг 14-банди “в” ва “ж” кичик бандлари 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга киради.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1